

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛГАН МУРОЖААТ СҮЗЛАР ВА ТАРИХИЙ АТАМАЛАР

Н.Ў.Хидирова

т.ф.н.дотцент,

ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси.

тел: 90 988-02-34.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10694474>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўрта асрларда аёлларга нисбатан қўлланилган мурожсаат сўзлар ва тарихий атамалар манбаларга таяниб таҳлил этилган. шунингдек, Қадимги туркӣ халқларда аёл жинси, унвони ҳамда насаби ва ҳасабини билдирувчи эпитет ҳамда сифатлар ҳақида маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** она, она, сингил, буви, хола, қиз, малика, урф-одат, ижтимоий, оила.

### ADDRESSING WORDS AND HISTORICAL TERMS USED IN RELATION TO WOMEN IN CENTRAL ASIA

**Abstract.** In this article, references to women in the Middle Ages are analyzed with reference to words and historical terms. The ancient Turkic peoples also reported on the feminine gender, title, epithet and adjectives denoting origin and Khasabi.

**Keywords:** mother, sister, grandmother, aunt, daughter, queen, tradition, society, family.

### ОБРАЩЕНИЕ К СЛОВАМ И ИСТОРИЧЕСКИМ ТЕРМИНАМ, ИСПОЛЬЗУЕМЫМ ПО ОТНОШЕНИЮ К ЖЕНЩИНАМ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Аннотация.** В этой статье упоминания о женщинах в средние века анализируются со ссылкой на слова и исторические термины. древние тюркские народы также сообщали о женском роде, титуле, эпитеете и прилагательных, обозначающих происхождение и хасаби.

**Ключевые слова:** мать, сестра, бабушка, тетя, дочь, королева, традиция, общество, семья.

Ўзбек тили тарихидан маълумки, қон-қариндошлиқ билан боғлиқ терминлар келиб чиқиши тарихига кўра қадимий бўлиб, улар туркӣ халқларда қабила-уругчилик муносабатлари шакланаётган дастлабки босқич даврини ифода этувчи атамалар сифатида яратила бошлаган<sup>1</sup>. Аёлларга нисбатан қўлланилган мурожаат сўз ёки шаклларни насаб ва ҳасабига кўра, қўйидаги тасниф қилиш мумкин:

- қариндошлиқ даражалари (насабига қараб);
- ижтимоий аҳволи ва бажарган вазифасига қараб номланишлар (ҳасабига<sup>2</sup> қараб).

<sup>1</sup>Жалилова Н. Ўзбек тилида қон-қариндошлиқ терминларининг пайдо бўлиш даврига кўра типологияси. Uluslararası Türk Lehçe Araştırmaları Dergisi (TÜRKLAD) Cilt 1 Sayı 1, 2017 s. 1–14. <https://dergipark.org.tr/tr/>; «Авесто» бўйича қариндошликтин тўққиз босқичи қайд этилган: 1) ота-оналар; 2) фарзандлар; 3) ака-ука ва опа-сингиллар; 4) бобо ва буви; 5) неваралар; 6) тоғалар ва холалар; 7) амакиваччалар ва аммаваччалар; 8) жиянлар; 9) ака-ука ва опа-сингил неваралари. Зардушт таълимотида қариндошлиқ муносабатлари оталик, меросхўрлик, ўзаро ҳуқук ва мажбуриятлар, қонунларни бузганликдаги жавобгарлик масалаларини тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлган. Қаранг: Ртвладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқук тарихидан лавҳалар. Тошкент. 2001. – Б.229.

<sup>2</sup>Ҳисб - юқори табақага мансублик, номланиш; асл насаб, қадр-қиммат. Персидско-Русский словарь. Под редакцией Ю.А. Рубинчика. Москва. – С.503.

Марказий Осиё халқлари урф-одат ва анъаналарига мувофиқ аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи асосан ёши билан боғлиқ бўлган. Чунки аёлнинг улғайган сари оиласидаги мавқеи ҳам ошиб борган ва унинг фарзандли бўлиши эса бу ҳолатнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган<sup>3</sup>. Қадимдан Шарқда аёл, энг аввало, она сифатида улуғланган, шу боис аёллар кўп ҳолларда сабр-бардош ва меҳр-муҳаббатнинг тимсоли сифатида гавдаланар эди. Иккинчидан эса улар ҳаётда опа-сингил, турмуш ўртоқ, фарзанд қаторида ҳам кўрилган. Манбаларда қайд қилинишича, туркий ҳалкларда аёлларга тил теккизиш ёки уларни ҳақорат қилиш катта айб саналиб, баъзан гуноҳ ҳам ҳисобланган<sup>4</sup>.

Хусусан, аёл ҳаёти давомида маълум бир мақом даражалари (момо, эна, она, қиз, опа-сингил, амма, хола ва ҳоказо)га эга бўлган ва бу қариндошлик ришталари билан боғланган. Қариндошликнинг биринчи бўғини **буви** бўлиб, унга нисбатан маҳаллий сўзлашув шеваларида момо, эна, катина (катта эна), анна<sup>5</sup> каби сўзлар қўлланилган.

Қадимги туркий тилларда эса кекса аёлга нисбатан ачи (*ачи*) сўзи ҳам ишлатилган<sup>6</sup>.

Бобур «Бобурнома»да битишича, она томонидан бўлган бувиси Эсон Давлат бегим ва ота томондан бўлган бувиси Шоҳ Султон бегимларга улуғ онам, улуғ энам деб мурожаат қилган<sup>7</sup>.

**Қиз** (қїз) сўзи асосан қиз бола фарзандга нисбатан қўлланилиб, бу сўз қимматбаҳо нарса ёки чўри<sup>8</sup> маъноларини ҳам англатган<sup>9</sup>. «Девону луготит турк»да (қїз қўрқїн) сўзи чўри, **قز قرقن** (әв қїзи) бўйи етган қиз, озод қиз ва сотиб олинган чўри қизларга нисбатан ҳам ишлатилганлиги қайд этилади. Шунингдек, **تکو** (*tılkú*) қизларга киноя тарзида қўлланилиб, туққан аёлдан ёки доядан тулкими ё бўрими деб сўралган. Қизлар айёр ва ялинчоқлик сифатларига эга бўлганлиги учун тулкига, ўғил болалар эса ботирлик характерига эга бўлганлиги учун бўрига қиёс қилинган<sup>10</sup>.

**Она** (ән) «Авесто»да «Матри» дейилиб, «тарбияловчи» маъносида изоҳланган<sup>11</sup>.

Ўғуз тилида **ابا** (*aba*) қарлук туркманларида эса **ана** (*ana*) дейилган<sup>12</sup>. С. Муталибовнинг фикрича, XI асрда кўпгина туркий қабилалар она сўзини асосий вариант

<sup>3</sup>Бу ерда асосий ҳолат эътиборга олинди, фарзанд кўрмаган аёллар ҳам ўзига хос мавқега эга бўлганлиги ва тарихий хужжатлар буни тасдиқлашини эслатиб ўтиш жоиз.

<sup>4</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-макдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: У. Уватов. Биринчи китоб. Тошкент. 1992. – Б.258 – 259.

<sup>5</sup>Фаргона водийсининг айрим худудларида (масалан: Дангара тумани Кум-қияли қишлоғида) буви сўзидан кўра Катина (ўтган асрнинг 80–90-йилларида ҳам бу сўз истеъмолда учраси деярли ишлатилмайди) ва Анна сўзлари кўп қўлланилади. Қашқадарё воҳаси шевасида бувиларга «катта эна» деб мурожаат қилиш ҳозиргacha сакланиб қолган.

<sup>6</sup>Махмуд Кошгари. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.114.

<sup>7</sup>Захиридин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Нашр.тайёр.: П. Шамсиев, С. Мирзаев, Эйжи Моно, С. Ҳасанов. «Бобурнома», В. Раҳмонов ва К. Муллахўжаева табдили. Тошкент. 2008. – Б.43, 70.

<sup>8</sup>Чўри – кўл хотин, тутқунликдаги аёл; хизматкор хотин, оқсоқ. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II том. – Б.387.

<sup>9</sup>Махмуд Кошгари. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.315. С. Муталибоев кигиз (намат) сўзи киз шаклида ҳам учрашини ва Алишер Навоий ҳам асарларида ушбу сўзни киз тарзида қўллаганини келтиради. Қаранг: Муталибов С. Морфология ва лексика тарихидан кисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). Тошкент. 1959. – Б.18.

<sup>10</sup> Махмуд Кошгари. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.404.

<sup>11</sup>Хомидов Ҳ. «Авесто» файллари. Тошкент. 2001. – Б.62.

<sup>12</sup>Махмуд Кошгари. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.113.

сифатида ишлатган ва апа қарлуқларда, ума тубут қабиласида мумомалада бўлган<sup>13</sup>. Бундан ташқари «Девону луготит турк»да «аба» термини уч хил маънода кўлланилган. Аба-она, аба-ота, аба-айик. Онаси катта уруғдан отаси оддий халқ вакилидан бўлган одамдан туғилган фарзанднинг исми *ଇନାଲ* (*iñal*) бўлган<sup>14</sup>. Л. Будагов ушбу сўз қирғизларда шоҳ, хон маъносини англатганлигини айтиб ўтган<sup>15</sup>.

Қайнона **فَنْ** (*қазиң*)<sup>16</sup> дейилиб, унга қадимдан алоҳида ўзига хос эътибор ва мумомаламуносабат бўлганлиги манбаларда келтирилади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий «қариндошларга оға-ини келди деса унга эътибор берилмади. Она (ота) [қайнона-қайнота] келди дейилган эди, дарров унга қаради» деган мақолни айтиб ўтган<sup>17</sup>.

**كس** (*kic*)<sup>18</sup>, **اخشاغۇ** (*oxshaqy*)<sup>19</sup>, **اراغۇت** (*uragut*)<sup>20</sup> каби сўзлар қадимги туркий тилда **хотин** маъносини билдирган. С. Муталибов *uragut* сўзи «Девони лугатит турк»да кўп учрашига урғу бериб, *киши*, *эшилар*, *тиши* сўzlари ҳам хотин маъносида ишлатилганлигини қайд этади<sup>21</sup>. Шунингдек, жувон аёл ва хотинга нисбатан **قىز** (*қазуз*) сўзи ҳам кўлланилганини таъкидлайди<sup>22</sup>.

**Опа** **اکا** (*ökä*), **ازا** (*özä*), **اجا** (*acha*); **келин** **اكتاك** (*əgätmlik*), турмуш қуриш (оғушланді)<sup>23</sup>, талоқ қилиниш, ажрашиш эса **بېشندى** (*бошанді*) дейилган. Бошанди сўзи фарзандини туғиб бўлган аёлга нисбатан ҳам кўлланилган.

Опадан ташқари қариндош аёлларга нисбатан сингил, хола, амма сўzlари ҳам ишлатилади. Сингил ҳам опа каби меҳрибон бўлиб, «Авесто»да «Совасри» шаклида кўлланиллади ва «муқаддам, хайриҳо» маъносини англатади<sup>24</sup>.

Холанинг ўғли **جقن** (*chikän*) дейилган<sup>25</sup>. Кўпинча етим қолган болани парваришлиш хола ёки амма зиммасига юклатилган ва бу холат нафақат қозилик хужжатларида, балки мумтоз бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топади. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонида онасидан етим қолган икки яшар Юсуфни аммаси ўз фарзандидек бағрига босиб, меҳр билан катта қилганлиги бадиий талқин қилинади<sup>26</sup>.

Тарихий манбаларда хукмдорларнинг хола ва аммаларига кўрсатган чексиз ҳурмати ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, бобурий маликалардан бири *Гулбаданбегим*

<sup>13</sup>Муталибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). – Б.140.

<sup>14</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.144.

<sup>15</sup>Будагов Л. Сравнительный словарь турецкого-татарских наречий. Том-1. – С.212.

<sup>16</sup>Ушбу сўз қайнона, қайнота, қайниларга нисбатан кўлланилган. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.383.

<sup>17</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.383.

<sup>18</sup> Кўрсатилган манба. – Б.157.

<sup>19</sup> Кўрсатилган манба. – Б.156.

<sup>20</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.318.

<sup>21</sup> Муталибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). – Б.140.

<sup>22</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.346.

<sup>23</sup> Кўрсатилган манба. – Б.288.

<sup>24</sup>Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файллари. – Б.62.

<sup>25</sup> Кўрсатилган манба. – Б.382.

<sup>26</sup>Абдураҳмон Жомий. Юсуф ва Зулайҳо. Огохий таржимаси. Тошкент 1974. – Б.15.

«Ҳумоюннома» асарида отаси Бобурнинг ҳар жума кунлари аммаларини кўришга борганлигини фаҳр билан тилга олади<sup>27</sup>.

Опа, сингил, хола, келин каби нисбий даражалар сўзлашув услубида бегона аёлларга нисбатан ҳам ҳурмат маъносидаги қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Қадимги туркий халқлар урф-одати ҳамда ислом ахлоқ-одоби ва тартиб-коидаларига кўра, хотин кишининг омонлиги, соғлигини билиш учун айнан «хотининг қандай?» – деб сўралмаган. Ўрта Осиёга ташриф буюрган саёҳатчилар бунга эътибор қаратиб, туркий халқлар ҳаётида эркаклар ўз хотинларини «ҳарам», «оила», «чолик-чужук»; форслар эса «хона», «аёлу-авлод» (аёл-оила, авлод-бала); туркманлар «ова»; Ўрта Осиёликлар «болачақа» деб айтишини таъкидлаб ўтади<sup>28</sup>. Ўз навбатида, хотинлар ҳам ўз эрларини исми билан чақирмаган ва бу эрга нисбатан ҳурматсизлик маъносини билдиради. Натижада табу<sup>29</sup> сўзлар вужудга келиб, келинчаклар эрини «энамнинг ули», «байим», айрим худудларда бош фарзанднинг исми билан, кексалар эса «чолим» деб атаган<sup>30</sup>.

Аёлларнинг ижтимоий аҳволи ва бажарган хизмат ё вазифасига қараб ҳам улар алоҳида сўзлар ёки атамалар билан номлангани кузатилади. Маҳаллий урф-одат ва анъаналарга кўра, маҳаллаларда бўладиган тўй ёки мотам моросимларига оқсоқоллар бошчилик қилган бўлса-да, аёллар учун маҳсус *кайвони* (ёки дастурхончи)лар<sup>31</sup> тайинланган<sup>32</sup>. Кайвони аёл, биринчи навбатда, аёллар орасида ҳурматга сазовор бўлиши керак эди. Бундан ташқари ундан ўткир хотира, тез фикрлай олиш, ташкилотчилик қобилияти, қатъий тартибли бўлиш, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни яхши билиш ҳам талаб этилган. Шу билан бирга, кайвони аёлга ёрдамчи сифатида бева, ишга муҳтоҷ, ҳаракатчан, эпчил, жисмонан чаққон бўлган, астойдил хизмат қиладиган ёрдамчи ходим аёл ҳам тайинланарди<sup>33</sup>.

*Доялик*<sup>34</sup> ҳам тиб илми билан боғлиқ, ўзига хос, қадимдан келаётган касб тури ҳисобланиб, у билан ёши катта аёллар шуғулланган<sup>35</sup>. Доя сўзи асосан аёлларни туғдириш билан шуғулланадиган аёлларга нисбатан қўлланилган бўлса-да, айрим манбаларда энагалар ҳам доя сифатида тилга олинади. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида «агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топширгил, токи яхши парвариш қилғайлар ва каттароқ

<sup>27</sup>Гулбаданбегим Захириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли – Ҳумоюн подшохнинг ахволи. Форс тилидан С. Азимжонова таржимаси. Тошкент. 1998. – Б.37 – 38.

<sup>28</sup>Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Текст приводится по изданию А. Вамбери. Москва. 2003. – С.67.

<sup>29</sup>Табу – ўзига хос диний ёки ижтимоий тақиқ.

<sup>30</sup>Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Тошкент. 1996. – Б.288.

<sup>31</sup>Кайвони – дастурхончи; уй бекаси; кўп нарса биладиган; билимдон. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З.М. Маъруфов таҳрири остида. II том. Москва. 1981. I том. – Б.358.

<sup>32</sup>О.А. Сухареванинг таъкидлашича, оқсоқол эркаклар томонидан, кайвони эса аёллар томонидан сайланган (ёки танланган). Қаранг: Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). Москва. 1976. – С.34.

<sup>33</sup>Кўрсатилган манба. – С.34.

<sup>34</sup>Доя – тўлғоқдаги аёлларни туғдирувчи хотин; энага; акушерка; гўдакларни тарбияловчи аёл. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З.М. Маъруфов таҳрири остида. II том. Москва. 1981. I том. – Б.235.

<sup>35</sup>Шундай бўлса-да, бу касб авлоддан-авлодга ўтган бўлиши керак ва қизлар ёки жувонлар бу ишга ёшлигидан ўргатилиб борилгани эҳтимолдан холи эмас. Хусусан, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» асарида Кумушни туғдириш доя ва дояча аёл ҳакида ёзади. Қаранг: Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 2008. – Б.203. <http://ferlibrary.uz>. Дояча сўзи ўзбек тилининг изоҳли лугатида ёш доя, ёш энага деб талқин этилган. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I том. – Б.235.

бўлғондан сўнг муаллимга топширгил» деб маслаҳат берилади<sup>36</sup>. Фикримизча, доялар ижтимоий табақаларга қараб аёлни туғдирувчи ёки болани тарбияловчи энага вазифаларини ҳам бажарган. Айрим доялар юқори табақа аёлларини туғдириб, уларнинг фарзандларига энагалик ҳам қилганлар. Гарчи бу ҳақда тарихий манбаларда тўлиқ маълумотлар келтирилмаса-да, бадиий адабиётлар орқали бунинг исботини топиш мумкин.

Масалан, «Юсуф ва Зулайҳо»да энага (асарда: доя) «мен сени биринчи бўлиб юзинги кўрганман ва киндигингни кесганман. Сутимни сенга овқат қилиб берганман. Мени оғушимда ухлар эдинг, қаерга юрсам бағримда эдинг. Кечаю кундуз хизматингда эдим», деб Зулайҳога писанда қилган лавҳалар бор<sup>37</sup>.

Халқ оғзаки ижоди ва тарихий манбаларда айрим энагаларнинг<sup>38</sup> номлари сақланиб қолган. Шулардан бири Бобожса хотунидир. Бу аёл Ойша бибининг энагаси бўлиб, ҳозирги кунда унинг қабри Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилояти худудида жойлашган<sup>39</sup>.

Ривоятларга кўра, Ойша биби Сулаймон Бокирғонийнинг<sup>40</sup> қизи бўлиб, Тароз ҳукмдори Қорахон Мухаммад билан бир-бирларини севиб қолишиди. Лекин уларнинг никоҳига отаси<sup>41</sup> рози бўлмайди. Ойша биби уйидан яширинча қочиб кетаётган вақтда уни йўлда илон чақиб ўлдиради. Қорахон Мухаммад қиз вафот этган ерга уни дағн қилиб, мақбара қурдирган. Бобожса хотун қизнинг энагаси сифатида то вафотигача Ойша биби мақбарасининг ёнида яшайди. Вафот этгач, у ушбу мақбарадан йигирма қадам узоқликдаги масофада дағн этилади. Бобожса хотуннинг номи ўз фарзандидек бўлиб қолган ва тарбия қилган қизга садоқат рамзи сифатида ардоқланиб, ҳозирги кунгача оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Бобожса хотун мақбарасининг қурилиши Ўрта Осиё архитектурасида кам учрайдиган ноёб икки қобиқли гумбаздан иборат<sup>42</sup>.

Самарқандда жойлашган Шоҳи Зинда мажмуасида кичикроқ гўрхона ҳам қурилган бўлиб, унинг шифти нозик сталактит (сув томчиларига ўхшаш) оқ фон кўринишидаги кўк рангга бўялган<sup>43</sup>. Ушбу гўрхона халқ оғзаки ривоятларига кўра, Амир Темурнинг кўкрак сути билан эмизган энагаси Улжон энага ва унинг қизи Биби Синобга тегишлидир<sup>44</sup>.

Шарафуддин Али Яздий темурий шаҳзодалардан бири Шоҳруҳ (1377 – 1447)нинг иккинчи ўғли Иброҳим мирзо (1394 – 1435)ни Тумон оғо томонидан тарбия қилишга

<sup>36</sup>Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар: Долимов С., Долимов У. Тошкент. 1994. – Б.89.

<sup>37</sup>Абдураҳмон Жомий. Юсуф ва Зулайҳо. Оғаҳий таржимаси. – Б.31.

<sup>38</sup>Энага-кимса (биров)нинг боласини тарбиялаб катта қилган хотин; момо, ача. Ўзбек тилининг изоҳли луфати. II том. – Б.446.

<sup>39</sup>Бобожса хотун ва Ойша биби тўгрисида 28 га яқин афсона мавжуд. Қаранг: <https://kazakhstan.travel>, <https://kapital.kz>

<sup>40</sup>Сулаймон Бокирғоний XII асрда яшаб фаолият юритган тасаввуф вакили. У Хоразмнинг Бокирғон қишлоғида туғилган. Халқ орасида Ҳаким ота номи билан машхур бўлган. Баъзи ривоятларда Ойша биби Занги отанинг қизи сифатида келтирилади.

<sup>41</sup>Айрим ривоятларга кўра отаси вафотидан кейин Ойша биби шайх Ой хожа томоидан тарбияга олинган ва айнан шу шахс бу никоҳга рози бўлмаган.

<sup>42</sup>Глауддинов Б., Глауддинова М. Казахстан. Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX–XV веков. Том. IV. Архитектура. Самарканд-Ташкент. 2013. – С.16.

<sup>43</sup>Пугаченкова Г.А. Ремпель Р.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент. 1958. – С. 111.

<sup>44</sup>Кўрсатилган манба. – С.111.

олинганлигини келтирар экан, унга *Сотқин оғо*<sup>45</sup> энага қилиб, турмуш ўртоғи амир Усмон Аббос эса отабек этиб тайинланганини айтиб ўтган<sup>46</sup>.

Дунёнинг бошқа ҳудудларида ташкил топган исломий давлатлар тарихида ҳам шаҳзодаларни эмизиб катта қилган ва юксак мақомга эга бўлган энагалар ҳақида маълумотлар учрайди. Хусусан, Тунис шаҳзодасининг энагасига «Мусҳаф ал-ҳадина» нисбати берилган ва у юксак дид билан безатилган Қуръони карим нусхаларини чоп эттирган<sup>47</sup>. Ҳиндистондаги мусулмон шаҳзодаларнинг энагалари Лаҳор<sup>48</sup> ва Манду<sup>49</sup> шаҳарларида муҳташам бинолар барпо эттирганлар. Мандуда XV асрда бунёд этилган «энаганинг кичик синглиси қўрғони» деб аталган серҳашам бино мавжуд<sup>50</sup>.

Қадимги туркий халқларда аёл жинси, унвони ҳамда наасби ва ҳасабини билдирувчи сўзлар маҳсус қўлланилгани фанда маълум. Шулардан бири -чин аффикси бўлиб, ушбу қўшимча аёл жинсидаги исмлар ясашга хизмат қилган<sup>51</sup>. Бунга Барчин исмини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари, маликалар исми ёнига хотун (*qatin*) унвони қўшиб айтилган. Аслида хотун генетик жиҳатдан сўғд тилига мансуб бўлиб, «малика» маъносини англатади<sup>52</sup>. Маҳмуд Кошғарий текинлар<sup>53</sup> ва Афросиёб<sup>54</sup> авлодидан бўлган хотинларнинг барчаси (катта-кичиги)га ترم (терим)<sup>55</sup> сўзи ишлатилганлигини, подшо хотинларнинг лақаблари (التن ترم) (*al-tin tarim*) бўлганлигини таъкидлаган<sup>56</sup>. Яна муаллиф асарнинг бошқа бир жойида Афросиёб қизларидан туғилган аёлларга нисбатан قاتون (қатун) исми қўлланилганини ҳам келтириб ўтади<sup>57</sup>. Шунингдек, اشلار (*iuläp*) хотин асли اشپلار (*iujäläp*) хоним<sup>58</sup> (оглого қатун) саида хотун<sup>59</sup> иборалари ҳам қўлланилган.

Бону сўзи хурмат маъносида аёллар исми ёнига қўшиб ишлатилган<sup>60</sup>. «Авесто»да ҳам ушбу сўз рамзий моҳиятга эга эканлиги таъкидланиб, «чароғон, ёруғлик» маъносини англатган<sup>61</sup>.

<sup>45</sup>Муаллифнинг маълумотига кўра, Сотқин оғо Амир Темурга қариндош бўлган.

<sup>46</sup>Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва қўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. Тошкент. 1997. – Б.172.

<sup>47</sup>Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. – Б.87.

<sup>48</sup>Лаҳор – ҳозирги кунда Покистоннинг Карабидан кейинги иккинчи катта шаҳри. XIII асрда Дехли сultonларининг йирик ислом ва тасаввуф марказларидан бири бўлган.

<sup>49</sup>Манду – ҳозирда Ҳиндистоннинг Мадхъя Пардеш штатининг шимолий қисмида жойлашган. XIII асрда Дехли сultonларининг пойтахти.

<sup>50</sup>Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. – Б.87.

<sup>51</sup>Мусаева Ф.Т. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2019. – Б.11.

<sup>52</sup>Ўрзобеев А. Оғаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарида ижтимоий-сиёсий лексика. – Б.66. Kh-davron. uz

<sup>53</sup>Текин (ёки тегин)лар – бу ерда: Ғазнавийлар сулоласи вакиллари Алп тегин (901 – 963), Сабук тегин (977 – 997)лар назарда тутилган бўлса керак.

<sup>54</sup>Афросиёб – Туроннинг қадимги подшохи. Мил.ав. VII – VI асрларда ҳозирги Самарқанд ҳудудида жойлашган шаҳар номи.

<sup>55</sup>Тарим – аслида кўл ва кўлмакларга куйиладиган сувларнинг кирғоклари, уйғурларда оқадиган сув маъносини англатган. Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.376.

<sup>56</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.376.

<sup>57</sup> Кўрсатилган манба. 3 – Б.88.

<sup>58</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.140.

<sup>59</sup>اغلاعو (оглағу) – тўклиқ, мўллик билан ўсган одам. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б.156.

<sup>60</sup>Бону – юқори табақаларга, зодагонларга мансуб аёллар унвони; ҳурмат юзасидан аёллар исмига қўшиб ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З.М. Маъруфов таҳрири остида. I-том. – Б.130.

<sup>61</sup>Хомидов Ҳ. «Авесто» файллари. – Б.62.

Хусусан, темурийлар даврида юқори табақага мансуб хотин-қизлар ҳақиқий исмлари билан тилга олинмай, бошқа жумлалар билан аталган. Бунга хонум, бегим, оғо/оға, оқа/ака, бекач ёки иккинчи исм билан номланишларини кузатиш мүмкін<sup>62</sup>. Ҳаттоқи, оилада қиз фарзанд туғилса, «пардалык бола», «зийнат соҳиби» ёки «мастура» каби сўз ва иборалар қўлланилган. Араб сайёхи Ибн Баттутанинг маълумотига кўра, турк султонларига яқин қариндош бўлган аёл ва эркакларга ҳам «ағо» деб мурожаат килинган. Демак, «ағо» сўзи туркий тилда «катта, улуғ» деган маънони англатган<sup>63</sup>. Б.Д. Кочнев Қорахонийларнинг 1013 – 1034 йиллар оралиғида зарб қилган дастлабки тангаларида ноёб ном ва бошқа туркий компонентлар билан биргаликда ака-оға сўзи ҳам учрашини келтирган<sup>64</sup>.

Ислом дини Ўрта Осиёга кириб келгандан бошлаб оғзаки сўзлашувда ва ёзма манбаларда аёлларга хос туркий эпитетлар билан бирга исломий (ёки исломлашган)лари ҳам қўлланила бошлайди. Хусусан, Мухаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима (р.а.) билан Али (р.а.)дан дунёга келган И мом Ҳасан ҳамда И мом Ҳусайндан тарқаган авлодларгина «Сайидлар» деб аталади. Бу авлод аёллари «Сайида» деб эзозланган. Ҳадича (р.а.) ва Фотима (р.а.)га нисбатан «хайруннисо» яъни «аёлларнинг (аълоси) яхшиси» деган ўзига хос даражা берилган<sup>65</sup>. Худди шундай номланишлар вақф ҳужжатларида ҳам учрайди. Жумладан, айрим аёллар Ҳадича-и даврон (даврон Ҳадичаси), Фотима-и замон (замон Фотимаси), Билқис-и макон сифатлари билан васф қилинган<sup>66</sup>. Ушбу ҳужжатларни ёзишда аёлларни улуғлаб сифатловчи турли хил ижобий маъноли сўзлардан ҳам фойдаланилган.

Масалан, «иффатпаноҳ<sup>67</sup>, исмат<sup>68</sup> дастгоҳ<sup>69</sup> мосаммат<sup>70</sup> Чучук ойим бинти Қул Мухаммад доддоҳ» кабилар<sup>71</sup>. Баъзи вақф ҳужжатларида эса аёллар «икки ҳарам эгаси» сифатида таърифланади<sup>72</sup>. Айрим маликалар эса «Маҳди улиё» (юксак бешик, тахт ворисининг онаси)<sup>73</sup>, «Билқиси соний» эпитети остида улуғлангани кузатилади. Шундай

<sup>62</sup>Нафасов Т. Имена женщин темуридского происхождения // Тезисы международной научной конференции «Амир Темур и его место в мировой истории». Ташкент. 1996. – С.103.

<sup>63</sup>Ибн Баттута. саёҳатнома. – Б. 299.

<sup>64</sup>Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караканидского каганата (991 – 1209 гг.) часть I. Источниковедческое исследование. Москва. 2006. – С.28 – 29.

<sup>65</sup>Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. – Б. 25.

<sup>66</sup>Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. (Бундан кейинги ўринларда: ЎзРМА. Ф.) 323. 1-рўйхат. №568.

<sup>67</sup>Иффатпаноҳ – иффатли, номусли. Навоий асарлари лугати. – Б.288.

<sup>68</sup>Исмат – поклик, бегунохлик, маъсумлик. Навоий асарлари лугати. – Б.281.

<sup>69</sup>Дастгоҳ – асбоб, асбоб-ускуна, яроғ; бойлик, савлат, кудрат, иқтидор. Навоий асарлари лугати. – Б.183.

<sup>70</sup>Масамот – бирон лақаб билан номланиш. Персидского-русский словарь: в 2-х тт. Ю.А. Рубинчик. 2-том. – С.511; Масомот – майда тешиклар, ҳужайралар. Навоий асарлари лугати. – Б.370.

<sup>71</sup>ЎзРМА. И-323. 1-рўйхат, 129/10.

<sup>72</sup>«Икки ҳарам эгаси» эпитети асосан Макка ва Мадинада ҳукмдор бўлган эркакларга нисбатан ишлатилган. Аммо биз ўргангандан вақф ҳужжатларида ушбу ибора аёлларга нисбатан қўлланган кўчма маънодаги эпитет эканлигини ҳам учратдик. Айрим аёллар ҳаж зиёрతчилари учун ҳам вақфлар ажратганлиги маълум. Балки ҳаж амалларини бажарган ёки шу масалада вақф қилган аёлларга нисбатан ҳам бу ибора қўлланилгандир. Чунки Носир Хусравнинг «Сафарнома», Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома» асарларида шу каби аёллар тилга олинади. Афсуски, ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёдан ҳажга борган аёллар тўғрисида маълумотлар кам сақланиб қолган. Шу боис келгусида бу масалани ҳам чукурроқ тадқиқ килиш талаб этилади. Ушбу масала юзасидан мен билан фикрлашган Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Б. Ражабовага ўз минатдорлигимни билдираман.

<sup>73</sup>Айрим холларда бу ибора тахт вориси бўлмаган, фарзанд кўрмаган аёлларга нисбатан ҳам қўлланилган. Масалан, Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да Сароймулхоним (Бибихоним)ни Маҳди Улиё деб тилга

маликалардан бири Шайбонийхоннинг келини *Меҳри хоним* (ёки *Меҳрибон хоним*)дир<sup>74</sup>. Айрим хужжатларда эса аёллар исми ёнига хотун сўзи ҳам қўшиб ишлатилган<sup>75</sup>. Вақф хужжатларида аёллар исмига бека сўзи ҳам қўшиб битилган. Бундай эпитет номлар кўпроқ Хива хонлиги хужжатларида учрайди<sup>76</sup>. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, *бека* (ёки *бекам*) деб юқори табака аёлларига нисбатан мурожаат сўзлар ҳам қўлланилган<sup>77</sup>.

Шунингдек, аёлларга тегишли қабр тоши битикларида ҳам маъсума (бегуноҳ), мукаррама (хурматли, азиз), афифа (хаёли, иболи, покдомон), муаззама (буюк, улуғ), «тож ул-муҳаддирот» (номусли, иффатли аёллар тожи), «зайн ал-мастурот», яъни «мастура, покдоман аёлларнинг зийнати» каби эпитетлар учрайди<sup>78</sup>.

Хулоса қилиб айтганда аёлларга нисбатан қўлланилган мурожаат сўзлар ва тарихий атамаларни ўрганиш ҳозирги кунгача Ўзбекистон тарихини номаълум бўлиб қолаётган жиҳатларини ўрганиш имконини беради.

---

олган. Шубҳасиз, бу Сароймулхонимнинг темурий шаҳзодаларни тарбиялаш ишларига бош-кош бўлганлиги билан боғлиқ.

<sup>74</sup>Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакф-наме». Ташкент. 1966. – С.5.

<sup>75</sup>Вақф хужжатларида Фахриддин Давлат хотун, Амина хотун, Утарчин хотун каби бир нечта аёллар номи учрайди. Батафсил қаранг: Чехович О.А. Бухарские документы XIV в. Ташкент. 1965. – С. 135, 156, 159.

<sup>76</sup>Хидирова Н. Ў. Хива хонлиги оила-никоҳ муносабатларида аёлларнинг мавқеи (XIX аср охири – XX аср бошларига оид архив хужжатлари асосида) // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. Тошкент-Урганч. 2019. – Б.379 – 384.

<sup>77</sup> “Иchan қалъа” давлат музей-қўриқхонаси катта илмий ходими тарих фанлари номзоди К. Худайбергановнинг фикрича, Хива хонлигига юқори табака аёлларига бека деб мурожаат қилинган (Хива. 2016 йил, 18 май, монография муаллифи билан бўлган сухбат).

<sup>78</sup>Аминов Б. Б. Қабртош битикларида аёллар исмлари. Ўрта асрлар даври тарихи бирламчи манбаларда: муаммолар ва ёндашувлар мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент. 2019. – Б.36 – 37.